



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

6/2022



@buxdu_uz




@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004

6/2022

**PUBLISHED
SINCE 2000**
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/6(94)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:
Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Rasulov T.Kh.

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor
(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara
state university" is included in the list of
scientific publications recommended to
publish the main scientific results of
doctoral dissertations of the Higher
Attestation Commission under the
Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan on philology and physical and
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers, students,
scientific staff of scientific research
institutions, teachers of academic
lyceums, professional colleges, as well as
researchers in general secondary
education and various fields.*

**Founder: BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

Executive secretary:
Sayfullaeva N.Z.
**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:
Shirinova M.Sh.
Raximova S.M.

EXACT AND NATURAL SCIENCES		
Турдиев Х.Х., Холиков С.Х., Темирова М. Х.	Смешанная задача для интегро-дифференциальной гиперболической систем первого порядка с памятью	3
Abdullaev J.I., Ibragimov H.H.	Pifagor va EYler g'ishtlari	10
Жалолов О.И., Исомиддинов Б.О.	Построение оптимальных по порядку сходимости кубатурных формул типа Эрмита в пространстве Соболева	16
Jumayev J.	Transport masalasini Mathcad tizimida yechish	27
Rahmatova N.J.	Inverse coefficient problem for the 1d fractional diffusion equation with initial-boundary problem	32
Nurolliyev N.Sh.	Methods and analysis of operating with scientific laboratories to investigate the optical properties of zinc oxide nanorods	41
Хаятов Х.У.	Построение квадратурных формул с помощью оптимальной интерполяционной формулы в пространстве С.Л.Соболева $\tilde{W}_2^{(m)}(T_1)$	50
Babaev S.S., Amonova N.A.	To construct basis functions in $W_2^{(1,0)}$ space for finite element method for 1d two-point boundary-value problems	57
LINGUISTICS		
Jumayev E.B., To'xtayeva M.O.	O'zbek adabiy tilida so'roq gap va o'zlashtirmalik	63
Kambarova M.	Classification of architecture and construction terms for the national corpus	69
Kazakov I.R.	Frazeologiyada millat tili va madaniyati tavsifi	73
Radjabov R.R.	Fransuz tili orfografiyasiga oid ilmiy-nazariy qarashlar	77
Rabieva M.G'.	Kinodiskurs yaxlitligini ta'minlashda verbal-vizual komponentlar va ularning ahamiyati	81
Saidov S.S.	Ikkinchi til o'rganishda ekstraversiyaning foydalari	86
Xolova Sh.D.	Frazeologik birlik-frazema-frazeologizm: tasnif va tadqiqot tahlili	92
Usmonov A.K.	Bog'lovchilarning pleonastik qo'llanishining stilistik xususiyatlari	98
Жаббарова Ю.Х.	Қариндошлик терминлари иштирокидаги прагматик коннотация	103
Нурова Ю.У.	Паремалардаги озиқ-овқат номлари этнолингвистика объекти сифатида	109
Раджабов Н.Н.	Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари	114
Рўзиев Я.Б.	Ноқардош тилларда иккинчи тур ўзлаштирмалик ва микромагн	121



Navoiy gulshani

ИЗҲОРИ ҲАМД

*Амонова Зилола Қодировна,
Бухоро давлат университети,
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.д.*

Шарқ мусулмон адабиёти тарихига эътибор қаратилса, барча асарлар анъанавий боблар билан бошланади. Мазкур анъана ўзбек мумтоз адабиёти учун ҳам характерлидир. Зеро, китобатчилик шаклланган пайтдан бошлаб, адабиётимизда ҳар бир асар анъанавий боблар билан бошланган. Анъанавий бобларни махсус кириш боблари деб ҳам аташ мумкин. Бундай бобларга Басмалайи Шариф, ҳамд, муножот ва наът киради. Ушбу бобларнинг пайдо бўлиши шунчаки тасодифий бўлмай, Аллоҳнинг каломи ҳисобланган Куръони Каримга мос ҳолда китоб яратиш асосида юзага келган. Чунки илоҳий китоб Куръон ҳам Басмалайи Шариф билан бошлангандан сўнг, “Алҳамдуллоҳ” (Аллоҳга ҳамд бўлсин) калимаси билан бошланган. Шу самовий китобдан андоза олган ҳар бир ижодкор ўз китобини мазкур бошланма билан бошлаган. Ҳаттоки, девончилик тарихига назар ташланса, девонлар ҳам ҳажмидан қатъий назар ҳамд, муножот ва наът ғазаллар билан бошланган. Айни мулоҳазалар даҳо ижодкор Алишер Навоий маънавий меросига ҳам дахлдордир. Унинг ибтидо девони саналмиш “Бадойи ул-бидоя”дан бошлаб, “Ҳазойин ул маоний” қуллиётигача ушбу анъанага қатъий риоя қилинганлиги кўзга ташланади. Фикримиз исботи сифатида “Бадойи ул-бидоя” девонидаги 4-ғазални таҳлилга тортсак.

Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоқки, қурби тақвию тоат била санга.
Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак хаёл ақлу фаросат била санга.
Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга.
Изҳори ажз биздин адаб таркидур баса,
Юз минг қусуру нуқсу касофат била санга.
Ҳар тийра рўзгорки, васлингга йўл топиб,
Сендин етиб чароғи хидоят била санга.
Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки еткамен
Бошдин аёғ гуноҳу залолат билан санга.
Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.
Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.
Исёни кўп Навоийнинггу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

Тўққиз байтдан иборат мазкур ғазал “Ҳазойинул маоний” девонининг “Ғаройиб ус-сиғар” қисмида ҳам 4-ғазал сифатида киритилган. Ғазалдаги ҳамд тасвирини яққол англаш учун ғазални байтма-байт шарҳлашни лозим кўрдик.

Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоқки, қурби тақвию тоат била санга.

Ҳар қандай мумтоз матнни шарҳлаш учун, аввало, изоҳталаб сўзлар маъноларини англаш учун луғатга мурожаат қиламиз:

Луғат:

Ҳамд – мақтов, таъриф

Маҳол – мумкин бўлмайдиган иш, маҳол иш

Фасоҳат – сўзнинг очик, равшан, ёқимли, услубнинг чиройлилиги

Қурби – яқинлик

Ғазалда шоир ундов сўзни ундалма сифатида қўллаб, Қодир зотнинг мақтовини келтиради. Ўз мулоҳазаларини давом эттириб, Ҳақ таолонинг мукамал мадҳини, таърифини фасоҳат (чиройли сўзлаш) билан ҳам келтириш мумкин эмас, дейди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло улуғ қудрат эгаси, уни ҳар қандай ижодкор ўз фасоҳати доирасидагина таъриф этади. Бу ўринда Ҳақ таолонинг қудрати ва Зоти ҳақида Сўфи Оллоёр келтирган қуйидаги мисраларини эслаш ҳам ўринлидир:

Удур ҳоким ки ҳукмин ўзга этмас,

Анинг зотиға ҳеч ким ақли етмас.

Фаришталар, набилар етмадилар,

Бўйинсундилару фикр етмадилар. (Сўфи Оллоёр Саботул-ожизин)

Демак, қудрат соҳиби бўлмиш – Аллоҳ таолонинг зотиға ҳеч ким ета олмас, шунингдек, мукамал мадҳини ҳам келтирмоқ душвор. Ҳазрат Навоий ҳам ҳар қандай фасоҳат билан ҳақ таоло мадҳини мукамал бериш имконсиз эканлигига ғазалнинг биринчи мисрасидаёқ урғу беради. Аммо шоир байтнинг иккинчи мисрасида Аллоҳ таоло қурби (яқинлик) га эришиш йўлини кўрсатиб ўтади. Яъни тақво ва тоат – Аллоҳ қурбига эриштирувчи асосий руқн. Навоий ҳақ таолони ажиб фикру тахайюл (хаёлга келтириш, хаёл қилиш)била топмоқ мумкинлигига иккинчи байтда изоҳ беради:

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,

Етмак хаёл ақлу фаросат била санга.

Дарҳақиқат, ақлу фаросат ила Ҳақ таолога етмоқлик мумкин эмас. Ҳазрат Навоий таъкидлаганидек, унга қурб – тоат тақво билан бўлса, эришиш эса маърифатуллоҳ биландир. Маърифатуллоҳ эгаси бўлиш учун ақлий билим камлик қилади. Бунда шариат илмидан юқори бўлган “хос кишилар илми” назарда тутилади. Айни мулоҳазалар билан боғлиқ Зуннун Мисрийнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “... уч сафар қилдим ва уч илм кетурдум. Аввалқи сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом ҳам қабул қилди. Иккинчи сафарда илме кетурдумким, хос қабул қилди ва ом қабул қилмади. Ва учунчи сафарда илме кетурдумким, не хос қабул қилди ва не ом. Шайх ул-ислом қ. с. дедиким, аввал тавба илми эрдиким, они хосу ом қабул қилдилар. Иккинчи, таваккул ва муомалат ва муҳаббат илми эдиким, хос қабул қилдилар ва ом йўқ. Учунчи, ҳақиқат илмидурким элнинг илму ақли тоқатидин ташқари эрди. Халойиқ англамадилар ва ани инкорға кўптилар [3]. Яъни ҳақ таолога шариат илмлари орқали ва ақлу фаросат билан етмоқ мумкин эмас. Зеро, Аллоҳ энг юксак ва энг улуғ қудрат соҳибилар. У жами яратикларнинг энг сараси, юксаги сифатида инсонни яратди. Инсон эса Аллоҳга фасоҳат билан мукамал ҳамдни адо эта олмайди. Бу билан боғлиқ кейинги байтда ўқиймиз:

Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,

Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга.

Луғат:

Зубда – энг сараси, яхшиси, қаймоғи лўлса-да,

Фасоҳат – чиройли сўзлаш, услубнинг гўзаллиги

Инсон ҳақ таолонинг зубдаси (энг сараси, яхшиси, қаймоғи) бўлса-да, Аллоҳ қудрати олдида ўзини ожиз ва заиф кўради. Ана шу ожизлиги боис, фасоҳат эгаси саналса-да, ҳақ таолога мукамал ҳамд қила олмаслигини Навоий байт мазмунига сингдирган. Навбатдаги байт айни мулоҳазаларнинг давоми ҳисобланади:

Изҳори ажз биздин адаб таркидур баса,

Юз минг қусуру нуқсу касофат била санга.

Луғат:

ажз (кучсизлик, заифлик, бечоралик)

касофат (тиник эмаслик, хиралик)

Маълумки, инсонлар табиатида юз минг қусуру нуқсу касофат мавжуд. Чунки мукамаллик эгаси бўлмиш қодир Аллоҳ инсонни шундай яратди. Демак, одамзот ажз (ожиз) бўлиши билан бирга юз минг камчиликлар эгаси ҳамдир. Шоир Аллоҳга бу адаб тарки саналса-да, унинг ҳамдини қабул эт, дея илтижо этади. Чунки инсон азалдан шундай яратилган бўлиб, у ўз имконияти доирасида сенга ҳамд айтади ва Сенга интилади:

Ҳар тийра рўзгорки, васлингға йўл топиб,

Сендин етиб чароғи хидоят била санга.

Луғат:

Тийра – қоронғулик

Рўзгор – 1) турмуш, тирикчилик, кун кечириш. 2) давр, замон

Тийра рўзгор – ёмон турмуш, қора кун

Хидоят – тўғри йўл кўрсатиш

Инсонни яратувчиси – Сен улуғ зотсанки, ҳар бир яратикинг сенга қараб интилади, сенга етишмоқликни улуғ саодат, деб билади. Аммо сендан хидоят чироғи етган кишиларгина васлингга йўл топа олади. Чунки барча ишлар сенинг измингдадир, деган мулоҳазаларни шоир байт мазмунига сингдирган. Аини фикрларнинг мантикий давомини куйидаги байтдан англаш мумкин:

Лутфунг рафиқим ўлмас, не ҳадки, еткази

Боштин-аёқ гуноҳу залолат била санга

Луғат:

Лутфунг – мулойимлик, марҳамат

Залолат – адаштирувчи

Инсон – боштин-аёқ гуноҳу залолат эгаси. У шу гуноҳлардан фориғ бўлиши учун тинимсиз ҳаракат қилиши, аввало, тавба қилиши зарур. Ислонда ва тасаввуфда тавба масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Тавба куфрдан қайтиш бўлиб, уни боб ул-абвоб — эшикларнинг эшиги ҳам лейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва мақсади, аввало, шу тавбасида аёнлашади. Шунинг учун тасаввуфшунос олим Н.Комилов: “Тавбанинг ҳақиқати шуки, солиқ Худога етишиш йўлида ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжухини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади”, дейди. Аммо тавба мақомига эришиш ҳам, тавбанинг Аллоҳ даргоҳида қабул бўлиши ҳам Ҳақ таолонинг лутфу марҳамати ила содир бўлади. Шу боис Навоий бошдан оёқ гуноҳқорман, лутфу марҳамат этсанг, сенга етмоқ мумкин, дея Аллоҳ лутфидан умидвор бўлади:

Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,

Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Дарҳақиқат, ибодатни Аллоҳ қабул этмаса, умр бўйи тоатда бўлса ҳам, унга етишиш имконсиз эканлигига урғу берилган. Кўпгина мумтоз шоирлар қатори Ҳазрат Навоий ижодида ҳам маломатийлик ҳоллари, ўзни маломат қилиш билан боғлиқ фикрлар шеърларида кўплаб учрайди:

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим, қочмайин нетай

Журму гунаҳдин оҳу надомат била санга?

Юқоридаги байтда ҳам шоир “журму гуноҳим” кўп, ундан қочиш имконсиздир, дея оҳу надомат қилади. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам инсоннинг Аллоҳдан ўзга паноҳи йўқлигини зикр этади. Айтиш мумкинки, шоир мактабдаги байтда маломатийликни ҳадди аълосига етказди:

Исёни кўп Навоийнинг у йўқ уётиким,

Истар етишса мунча хижолат била санга.

Шоир ғазал байтларида изчилликни таъминлаб, байтлараро мантикийликни сақлаб қолади. Мактабда ўз мулоҳазаларини яқунлайди, чиройли хулосавий яқун келтиради. Навоий ўзини маломат қилиб, гуноҳи, исёни кўп бўлса-да, уятсизларча, Ҳаққа етишишга орзуманд эканлигини таъкидлайди. Аммо ўз фаолиятидаги гуноҳу камчиликлар туфайли Аллоҳга етишишни “хижолат била” таъкидлайди. Мумтоз ижодкорларнинг аксарияти сингари Алишер Навоий ҳам маломатийлик асосида нафси забун айлашга эътибор қаратган. Чунки нафсининг паст бўлиши, руҳнинг юксалишига замин ҳозирлаган. Ҳазрат Навоий мазкур ҳамд характеридаги ғазалида таносиб (тақво, тоат; журм, гуноҳ; оҳу надомат), тазод (боштин-оёқ), таъдид (кусуру нуксу касофат), сифатлаш (тийра рўзгор) каби бадиий тасвирий воситалардан унумли фойдаланган. Ғазал одатий а-а, б-а, в-а... (тоат, фасохат, фаросат, фасохат, касофат, хидоят, залолат, ибодат, надомат, хижолат) тарзида қофияланган. Қофияси муқайяд қофия бўлиб, равий билан тугаган.

Улуғ шоир ижодида такрорланмас иборалар, ўзига хос тасвирилар ифодалаган. Мазкур ҳамд ғазалини ҳам ўзига хос назокат ва юксак маҳорат билан яратган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. I том. Бадоеъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 689 б.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Фаройиб ус-сигар. – Тошкент: Фан, 1987. – 575 б.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. XVII жилд. Насойим-ул муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001 – 518 б.
4. Комилов Н. Тасаввуф. I-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 272 б.